УССР Давлат китоб палатасы
Инв. №
Кит. палата УзССР
13 ИЮН 1985

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 125 (19.201). ● 1985 йил 31 май, жума ● Баҳоси 3 тийин.

БЕШ ОЙЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, республика саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1985 йил январь — май ойлари планини муддатидан олдин — 30 майда бажардилар.

Нефть қазиб олиш, машинасозлик маҳсулотининг бир қанча турларини, чарм пойабзал, ўсимлик мойи ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш январь—май ойлари планининг ошириб бажарилиши кутилмоқда.

«МОЛНИЯ - 3» ПАРВОЗДА

Олис телефон - телеграф радио алоқа системасини ишлатишни таъминлаш, СССР Марказий телевиденеси программаларини «Орбита» тармоғи пунктларига узатиш ва халқаро ҳамкорлик қилиш мақсадида 1985 йил 29 май куни Совет Иттифоқида навбатдаги алоқа йўлдоши — «Молния-3» учирилди.

«Молния-3» йўлдоши орқали алоқа сеанслари белгиланган программага мувофиқ ўтказилади.

(ТАСС).

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА — 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!

ДАЛА ИШЛАРИГА — СУРЪАТ ВА СИФАТ!

«Кумуш тола»~бойлигимиз!

Ютуқларни мустаҳкамлаймиз

КПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кунлик ўтказиш ташаббуси билан чиққан республикамиз ишлаб чиқариш илғорларининг қалб даъватини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб меҳнат қилмоқдамиз. Ўн саккизлар ташаббусига районимиз «кумуш тола» ижодкорлари ҳам яқдил қўшилдилар. Улар шу кунгача давлатга пландаги 60,5 тонна ўрнига 72 тоннадан зиёд пилла топшириб яхши натижаларга эришдилар. Райондаги 165 звенонинг ҳаммаси давлатга пилла сотиш планини ошириб бажарди. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 65 килограммдан ошириб хом ашё йиғиштириб олинди.

Қўлга киритилган ютуқларда совхозимиз пиллакорларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Хўжалигимиз заршуносларининг давлатга 32 тоннадан ортиқ ёки пландагидан 8 тонна кўп саноат хом ашёси етказиб бердилар.

Мен қарийб чорак асрдан буён пиллачилик билан шуғулланаман. Ҳар йили зиммамга олган мажбуриятимни ортиғи билан бажариб келяпман. Бу йил уч қути ипак қуртини парвариш қилиб, икки план миқдорида пилла етиштирдим. Давлатга 341 килограмм юқори сифатли хом ашё топширдим. Ҳамкасбларимдан Омон Полвонова, Ражаб Мардонова, Ҳолдор Ҳамроева, Зуҳра Жўраева, Робия Саидова, Норгул Ҳазратқулова, Жумагул Раҳматова, Саломат Бўроновалар ҳар қути ипак қуртидан 100—110 килограммдан пилла етиштирдилар.

Ипак қуртининг озуқа базаси мустаҳкамланганлиги, районимиз хўжаликларида мавжуд 177 гектарли тутзорнинг намунали парвариш қилинганлиги туфайли кўзланган миқдорда ҳосил олинди. Биргина шу йилнинг ўзида 475 минг туп кўчат экилиб, 40 гектарли тутзор барпо этилди.

«Пахтаобод», «СССР 50 йиллиги», Сальвадор Альенде номли, Чўли Бегимқулов номли совхозларнинг пиллакорлари ҳам мўл ва сифатли хом ашё етиштирганликлари учун районимиз пландагидан 12 тонна кўп пилла тайёрлади.

Қўшимча мажбурият ҳам ошириб бажарилди. Биз ютуқларни янада мустаҳкамлаб бориб, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз.

Ч. АВЛИЁҚУЛОВА,
Ниҳон районидаги Карл Маркс номли совхоз пиллакори.

ПИЛЛАКОР ЎРТОҚЛАР!

◆ КПСС XXVII СЪЕЗДИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ КУН ҚАЙИН ҚИЗИТАЙЛИК!

◆ ОНА-ВАТАНГА 31 МИНГ ТОННА СИФАТЛИ «КУМУШ ТОЛА» ТОПШИРИШ УЧУН КУНЛИК СУРЪАТНИ ОШИРАЙЛИК!

◆ ИЛҒОР ПИЛЛАКОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛИБ, ПЛАН ВА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИЛИШИГА ЭРИШИШ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР!

УЮШҚОҚЛИК ВА МАҲОРАТ

Сирдарё районидаги «Правда» колхозининг пиллачиси Бувайда Умрзоқова мирзачўллик ҳамкасблари ўртасида ўтказилаётган меҳнат беллашувининг карвонбошиси бўлди. У ҳар қути қурт уруғидан 114 килограмм пилла териб олиб, беш йилликнинг якунловчи йилида қабул қилган социалистик мажбуриятини барвақт бажарганлиги ҳақида областда биринчи бўлиб рапорт берди.

Сирдарё райони хўжаликлари Мирзачўл пиллачиларининг социалистик мусобақасида пешқадамлик қилишяпти. Бу ерда Ленин номли колхоздан Шарофат Пардаева ҳам илғорлар қаторига ўтиб олди. «Ленинград» колхозидан Сора Ҳасанова, Ильич номли колхоздан Фикрия Питашвили, «Ўзбекистон» колхозидан Б. Шомуродов, Ё. Раҳимов номли совхоздан Нурхон Юсупова ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан ошириб пилла териб олишди.

Бу йилги мавсум область пиллачилари учун оғир келди. Об-ҳаво шароитлари жуда ноқулай бўлди. Аммо уюшқоқлик, қатъият, илғор тажрибани кенг қўлланиш туфайли қийинчиликлар бартараф этилди.

Айниқса, май ойининг биринчи ўн кунлигида ҳавонинг совиб кетганлиги тут баргининг ривожланишига тўсқинлик қилди. Шунда биринчи марта барча тутзорларга икки мартадан, баъзи зоналарда эса тўрт мартадан озуқа берилди.

Кунлар қаттиқ исиб кетганида барг сўлиб қолмаслиги учун насосларда сув сепилди. Натижада озуқа танқислиги сезилмади.

(ЎзТАГ).

Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз пиллакорлари мавсумда 110 қути ипак қурти парвариш қилиб, давлатга 5500 килограмм ўрнига 6000 килограмм «кумуш тола» етказиб беришга аҳд қилишган. Шу кунларда КПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кунлик ўтказиш ташаббуси билан чиққан республикамизнинг илғор вакиллари даъватига жавобан хўжаликда пилла топшириш қизғин бошланиб кетди.

Суратда: илғор пиллакор Тозагул Бобоназарова. У икки қути ипак қуртининг ҳар қутисидан 50 килограмм ўрнига 100 килограммдан пилла топширмоқчи.

А. ТЎРАЕВ фотоси.

БУХОРО ОБЛАСТИ ПИЛЛАЧИЛАРИ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Бухоро областининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошира бориб, Коммунистик партиянинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, мўл пилла ҳосили етиштирдилар, қисқа муддатларда пиллани териб олиб, давлатга пилла сотиш юзасидан 1985 йилги ва умуман беш йиллик социалистик мажбуриятларини 30 май куни, муддатидан илгари бажардилар.

Ватан омборларига 3600 тоннадан кўпроқ пилла жўнатилди, бу йилги план 101 процент қилиб бажарилди, ҳар қути қурт уруғидан ўрта ҳисобда 58 килограммдан пилла олинди, беш йиллик план 110 процент бажарилди, планга қўшимча равишда 1611 тоннадан кўпроқ қимматли хом ашё топширилди.

Олот, Қоракўл, Шофиркон, Свердлов, Ромитан, Пешку районларининг хўжаликлари план ва социалистик мажбуриятлар бажарилганлиги ҳақида областда биринчи бўлиб рапорт бердилар.

Бу муваффақиятга Ғиждувон, Бухоро, Вобкент, Когон районлари, Олот районидаги «Шарқ юлдузи», Қоракўл районидаги «Ўзбекистон», Свердлов районидаги Киров номли, Ромитан районидаги К. Маркс номли колхозлар, Бухоро районидаги пилла наслчилиги совхози ва областнинг бошқа кўпгина хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Улар олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаб, ҳар қути қурт уруғидан 70—75 килограммдан пилла териб олдилар.

Олот районидаги Ленин номли колхознинг Ш. Очилова, Қоракўл районидаги К. Маркс номли колхознинг Ҳ. Гадоева, Свердлов районидаги Ленин номли колхознинг М. Сафарова, Бухоро районидаги «Правда» колхозининг С. Каримова, Пешку районидаги Охунбобоев номли колхознинг Т. Тоғаева, Когон районидаги «Коммунизм» колхозининг М. Мухторова, Шофиркон районидаги Охунбобоев номли колхознинг Ҳ. Муродова бошлиқ звенолари ҳамда бошқа кўплаб звенолар ҳар қути қурт уруғидан ўрта ҳисобда 100—125 килограммдан пилла олиб, катта муваффақиятга эришдилар.

Эришилган муваффақият область хўжаликларини юқори сифатли уруғ билан таъминлаган Бухоро пилла наслчилиги совхози ҳамда қурт уруғи цехи коллективларининг, область барча меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати натижасидир. Область меҳнаткашларининг фаол иштирокида озуқа базаси ва ипак қуртини парвариш қилиш технологияси яхшиланди.

Область пиллачилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга социалистик мажбуриятдагига қўшимча равишда яна 150—200 тонна юқори сифатли пилла сотиб, ялпи пилла ҳосилини 3800 тоннагача етказишга қарор қилдилар.

Область қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун зарбдор вахтада туриб, Озиқ-овқат программасини бажариш юзасидан социалистик мусобақани кенг авж олдириб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида шу йилни юксак кўрсаткичлар билан якунлашга бутун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги область ва районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилдилар:

Бухоро области — область партия комитетининг секретари И. Жабборов, область ижроия комитетининг раиси Н. Нарзуллаев, область комсомол комитетининг секретари Р. Очилов, область ипакчилик бошқармасининг бошлиғи Т. Ғойибов.

Свердлов райони — район партия комитетининг секретари М. Р. Раҳмонов, район ижроия комитетининг раиси Х. Т. Раҳмонов, район комсомол комитетининг секретари Ғ. К. Тўймуродов, бош пиллахона директори К. К. Ёвкаштиев.

Қумқўрғон райони — район партия комитетининг секретари М. Абдуллаев, район ижроия комитетининг раиси Ж. А. Менглибоев, район комсомол комитетининг секретари Э. Ҳ. Баратов, бош пиллахона директори К. Қурбонов.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ҒАЙРАТИ

Иштихон районидаги «Янгикент» совхозининг 2-бўлимига қарашли Парда Мардиев бошлиқ бригада пахтакорлари қийғос униб чиққан ғўза қатор ораларига ишлов беришни қизғин давом эттирмоқдалар. Механизатор Жонузоқ Қорақулов ўз агрегатини моҳирлик билан бошқариб, кунига 7—8 гектар майдондаги ниҳолларни сифатли культивациядан чиқармоқда. Культивация билан биргаликда ёш ниҳоллар минерал ўғитлар билан озиқлантирилаётир. Чўлқуварлар якунловчи йилда гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришни мўлжаллашяпти.

Ў. САИДОВ.

ДЕПУТАТ БОШЛИҚ ДАЛАДА

Наманган районидаги «Коммунизм» колхози юқори ҳосилли пешқадам хўжаликлардан. Пахтакорлар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Абдусаттор Халилов бошлиқ бригада заршунослари якунловчи йилни зарбдор меҳнат билан бошладилар. 92 гектар майдоннинг ҳаммасига чигит пуштага экилди. Уруғ ернинг табиий намига ундириб олинди. Тўла гектарлар яратиш мақсадида парвариш қизитиляпти. Уста культиватор билан ниҳоллар сифатли ишловдан чиқарилмоқда.

— 12-13 май куни бўлиб ўтган кучли шамол ғўзаларимизга бир оз шикаст етказди, — дейди А. Халилов. — Хусусан, тупроқдан нам қочди. Бу эса экиннинг сувга бўлган талабини оширди. Бригадамизнинг миришкор деҳқонлари билан маслаҳатлашиб, бутун куч ва имкониятларни табиий офат шикастлаган ниҳолларни қўшимча парваришлашга сарфлаяпмиз. 12 нафар сувчи икки группага бўлиниб кеча-ю кундуз экинга обиҳаёт тарашяпти. С. Жумабоев, Ю. Мамажонов, Н. Жўраев каби миришкорлар бу ишда намуна бўлишяпти.

Иккинчи комплекс ишловдан чиқарилаётган ғўзалар баравж ўсмоқда. Парвариш илғорлар тажрибаси асосида олиб бориляпти. Депутат бошлиқ бригадага тенглашишга ҳаракат қилаётган район Совети депутати Ж. Каримова ҳамда Ж. Шарипов, Ж. Умаралиев каби уста деҳқонлар бошлиқ юқори ҳосилли бригадалар далаларида ҳам қатор ораларига комплекс ишлов бериш, ҳашарот ва бегона ўтларга қарши кураш, кетмон чопиғи ўтказиш қизғин боряпти.

Даладаги сафарбарлик шубҳасиз, 4500 тонналик хирмонни қоплайдиган даражада ҳосил етиштиришдан дарак беряпти. Бу эса хўжалик аъзоларининг КПСС XXVII, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездларига муносиб совғалари бўлади.

А. ҚОРАБОЕВ.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

ЁЗЁВОН (Фарғона области), 30 май. (ЎзТАГ). Фарғона водийси колхоз ва совхозларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни янада кўпайтиришлари учун катта имкониятлари бор. Андижон, Наманган ва Фарғона областлари қишлоқ хўжалик ходимларининг Ёзёвон районида бугун бўлиб ўтган кенгашида барча мавжуд резервларни ишга солиш, деҳқончилик ва чорвачилик самарадорлигини муттасил ошириш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов учала область қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи ҳақида доклад қилди. Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар — Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. У. Умаров, район партия комитетларининг секретарлари, уч областдаги бир қанча хўжаликларнинг раҳбарлари асосий эътиборни КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратдилар. Фарғона водийси қишлоқ меҳнаткашларининг бурчи—КПСС XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини меҳнатда салмоқли муваффақиятлар билан кутиб олишдан, бу йил ва умуман беш йиллик учун қабул қилинган планлар ва социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашдан иборат эканлиги уқтирилди.

Сўзга чиққан нотиқлар далалар ва фермалардаги аҳволни таҳлил қилиб, деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш суръатларига тўсқинлик қилаётган муаммолар, хато ва камчиликларга тўхталиб ўтдилар. Водийдаги кўпгина хўжаликлар пахтазорларида жиддий аҳвол вужудга келди. Сел ва кучли шамол оқибатида катта-катта майдонларга чигит қайта экилди. Ҳозирги вақтда ўсимликларнинг ривожланишидаги кечикишини тезроқ бартараф этиш учун бу майдонларда ғўза парваришини кучайтириш лозим. Экинларни парвариш қилишда мавжуд техника ва ишчи ресурсларидан тўла фойдаланилмаётган, пахта етиштириш агротехникаси бузилишига йўл қўйилаётган Олтинкўл районидаги 1 Май номли, Бўз районидаги Энгельс номли колхозлар, Задарё районидаги «Гулбоғ», Чортоқ районидаги «Чортоқ», Ленинград районидаги Ҳамза номли совхозлар раҳбарлари кенгашда ҳақли равишда танқид қилиндилар.

Биринчи навбатда минерал ва органик ўғитлар солиш билан бир вақтда культивация ўтказиш суръатларини оширишга эътиборни қаратиш, тупроққа ишлов берувчи ҳар бир машинанинг юксак унум билан ишлатилишига эришиш, иш сифатини яхшилаш лозим, деб уқтирилди кенгашда. Экинларни ўз вақтида суғориш, сувдан оқилона фойдаланиш шу куннинг асосий вазифаларидан биридир. Ҳосилни ҳимоя қилишнинг биологик усулларидан кўпроқ фойдаланиб, бегона ўтлар ва қишлоқ хўжалик заракунандаларига қарши кураш тадбирлари комплексини энг яхши агротехника муддатларида ўтказиш муҳимдир. Баракали ва эртаги пахта ҳосили олиш, машиналардан самарали фойдаланиш йўли билан уни ўз вақтида йиғиб-териб олиш тўғрисида ҳозирданоқ жон куйдириш керак, дейишди нотиқлар.

Кенгаш қатнашчилари қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш зарурлигини таъкидладилар. Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг деҳқонлар ва чорвадорларни пировард натижалардан манфаатдор қилувчи илғор формаларини ҳамма жойда жорий этиш керак.

Кенгашда чорвачиликни ривожлантиришдаги жиддий камчиликлар очиб ташланди. Андижон, Наманган ва Фарғона областларидаги бир қанча хўжаликлар маҳсулот етиштиришни ўтган йилдагига нисбатан камайтириб юбордилар. Масалан, Избоскан районидаги «Ленинград» колхози, Жалолқудуқ районидаги «Ойим» совхози давлатга сут сотиш ярим йиллик планини эндигина 19-30 процент бажардилар. Баъзи хўжаликларда қорамоллар, қўйлар, чўчқалар сони камайиб кетди, молларнинг маҳсулдорлиги кам. Бунинг сабаби фермаларнинг техника билан етарли таъминланмаганлиги, наслчилик ишлари даражаси пастлиги, мустаҳкам озуқа базаси яратилмаганлигидадир. Маккажўхори, беда, бошқа озуқа экинлари экиш планларини баъзи колхоз ва совхозлар бажармаганлиги қайд этилди. Бу экинлар ҳам етарли даражада парвариш қилинмаяпти. Олтиариқ, Охунбобоев, Риштон районларида маккажўхорини озиқлантириш ва суғориш кечиктирилмоқда. Марҳамат, Пахтаобод, Бўз районларидаги бедапояларда ўсимлик жуда сийрак.

Кенгашда сўзга чиққан нотиқлар пиллачиликни янада ривожлантиришдаги зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Ипак қурти боқишни уюшқоқлик билан тугаллаш, пилла сифатига алоҳида эътибор бериш керак.

Кенгашда идеология ишларини янада такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди, қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Топширилган иш участкаси учун кадрларнинг масъулиятини оширишга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаб қилганидек, меҳнат, ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга катта эътибор берилди.

Кенгашда ичкиликбозлик, пала-партишлик, текинхўрлик, кўзбўямачилик, бошқа салбий ҳодисаларни қатъийлик билан тугатиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Кенгаш қатнашчилари Андижон, Наманган, Фарғона областлари қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этиш учун бутун кучларини сарфлайдилар, суғориладиган ҳар гектар ернинг юксак самара беришини таъминлайдилар ва шу асосда ҳамма турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириб, партия XXVII съездини янги меҳнат муваффақиятлари билан кутиб оладилар, деб ишонч билдирдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Р. Раҳимов иштирок этди.

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ

СССРДА ВСР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИНИНГ ЁПИЛИШИ

ВСР ташкил этилганлигининг 40 йиллигига бағишлаб, СССРда ўтказилган Вьетнам Социалистик Республикаси маданияти кунлари совет халқи билан Вьетнам халқи ўртасидаги дўстлик ва қардошликнинг чинакам байрами бўлиб қолди. Москвада бошланган бу байрам мамлакатдаги кўпгина шаҳарларда ҳам ўтди. Байрамда артистлар, ёзувчилар, рассомлар, санъат барча турлари ва жанрларининг вакиллари иштирок этдилар.

30 май куни Тошкентда, Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрида бўлиб ўтган кеча СССРда ВСР маданияти кунларининг тантанали ёпилишига бағишланди. Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева меҳмонларга табрик сўзи билан мурожаат қилди.

ВСР делегациясининг бошлиғи Вьетнам маданият министрининг ўринбосари Динь Куанг жавоб нутқида Вьетнам санъати вакиллари ҳамма жойда шодиёна ва меҳмондўстлик билан кутиб олинганликлари учун қизғин миннатдорчилик изҳор этди. Бу кунлар, деди у, биз учун байрамгина эмас, шу билан бирга янги, социалистик жамият маданиятини бунёд этиш соҳасида Совет Иттифоқидаги дўстларимизнинг тажрибасини ўрганиш мактаби, сабоғи ҳам бўлиб қолди. Биз мана шу маданий қурилишда улуғ Ленин васиятларига амал қилмоқдамиз, деб таъкидлади Динь Куанг. У СССРда биринчи марта шу қадар кенг кўламда ўтказилаётган Вьетнам маданиятининг ҳозирги байрами совет ва Вьетнам халқларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлиб қолажагини қайд этди.

До Хоанг Куаннинг «Вьетнам рапсодияси»ни ижро этиш билан якунловчи концерт бошланди. ВСР социалистик санъати асосчиларидан бири бўлган композиторнинг асарини Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрининг симфоник оркестри автор раҳбарлигида ижро этди. Сўнгра у дирижерлик таёқчасини ўз ватандоши — совет музика мактабида таълим олган Чонг Бангга топширди.

Якунловчи концерт программасига рус, совет, вьетнам классикларининг асарлари, халқ куйлари ва рақслари киритилган эди. Машҳур саҳна усталари билан бирга ёш артистлар — Хошимин шаҳри цирки болалар группасининг қатнашчилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Вьетнам санъатининг ёрқин, кўркам байрами ниҳоясига етди. Икки қардош мамлакат коммунистларининг партиялари маданият ва санъат воситалари билан совет ва вьетнам халқларининг бир-бирига тобора яқинлашувига кўмаклашиш борасида ўртага қўйган вазифани ҳал этишда яна бир муҳим қадам қўйилди. Яна учрашгунча хайр, азиз дўстлар!

СССРда ВСР маданияти кунларининг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

Совет раҳбарлари 29 май куни Катта Кремль саройида Италия Министрлар Советининг Раиси Б. Кракси шарафига зиёфат бердилар.

Б. Кракси билан бирга сафарда унга ҳамроҳ бўлиб келган ташқи ишлар министри Ж. Андреотти, Италиянинг бошқа давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда М. С. Горбачев, Н. А. Тихонов, А. А. Громико, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар бор эдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев зиёфатда нутқ сўзлади.

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ҳурматли Министрлар Совети Раиси жаноблари!

Муҳтарама Кракси хоним!

Италиялик ҳурматли меҳмонлар!

Ўртоқлар!

Ҳурматли Кракси жаноблари, Сиз Италия ҳукумати бошлиғи сифатида мамлакатимизга биринчи марта келганлигингиз учун ҳам Москвада Сизни қувонч билан табриклаймиз. Совет Иттифоқига қилган визитингиз, шубҳасиз, ҳар иккала томон Совет — Италия сиёсий мулоқотларини янада кучайтириш истагида эканлигининг кўрсаткичидир. СССР билан Италия ўртасида турли соҳаларда ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилганлигини ва бу алоқалар дуруст ривожланиб бораётганлигини қадрлаймиз.

Илгари неча марталаб Ғарбий Европада, айни Италия давлат арбоблари узоқни кўра билиб ва вазминлик билан ёндашиб, Ғарб билан Шарқ ўртасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилган жиддий ташаббусларнинг тарафдорлари бўлиб чиқишган эдилар. Савдо-иқтисодий соҳадаги ўзининг дадиллиги ва омилкорлиги билан ажралиб турган катта ишлар ҳам бизда унутилгани йўқ. Волга бўйидаги Тольятти шаҳрида барпо этилган жуда катта завод ҳозир ҳам ана шу ишларнинг рамзи бўлиб қолмоқда.

СССР билан Италия ўртасида баъзи муҳим халқаро проблемалар юзасидан тафовутлар борлигига биз ҳам, Сизлар ҳам кўз юмаётганимиз йўқ. Бироқ иккала томон амалий мулоқотни йўлга қўйишга, ҳозирги хатарли кескинликни камайтиришга олиб борадиган йўлларни биргаликда излашга интилаётганлиги яққол кўриниб турганлиги муҳимдир.

Бунга эса зарурат бор. Дунё оғир пайтларни бошидан кечирмоқда. 70-йилларда кўпгина мамлакатларнинг куч-ғайратлари туфайли халқаро муносабатларда авж олиб кетган ижобий ўзгаришлар жараёнига халқлар ҳаққоний равишда умид боғлаган эдилар, бу умид биз неча марталаб айтиб ўтган сабабларга кўра оқланмади. Бу жараён ўрнини мухолифлик эгаллади, унинг психологияси бусиз ҳам жуда авж олиб кетган қуролланиш пойгасини кучайтирмоқда. Ўз навбатида таркиб топган ҳарбий-стратегик мувозанатни бузиш мақсадида қурол-яроғларнинг кўпайтирилиши баъзи жойларда ташқи сиёсатдаги агрессив методлар ва усулларга хатарли мойилликни вужудга келтирмоқда. Мухолифлик — қуролланиш пойгаси — мухолифлик каби иллатли халқани узиб ташлаш мумкин ва лозим. Инсоният цивилизациясининг бундан бошқа йўли мутлақо йўқ.

Италиядагилар ва, албатта, Италиядан бошқа жойдагилар ҳам Совет Иттифоқининг сиёсатидан кўнгиллари тўқ бўлиши мумкин. Тинчлик ва озодлик шароитида яшаш ҳуқуқига оғир қурбонлар бериб эришган халқимиз бутун кучини тинч бунёдкорлик қурилишига, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, турмушнинг моддий ва маданий даражасини оширишга сарфламоқда.

Бу ҳақда шунинг учун гапирмоқдаманки, Совет Иттифоқининг тинчликка бўлган интилиши ижтимоий тузумимиз моҳиятининг ўзи билан, дунёқарашимиз, ахлоқимиз билан белгиланишини таъкидлаб, 70-йилларда турли ижтимоий тузумларга, турли ҳарбий-сиёсий иттифоқларга мансуб давлатлар тинч ҳамкорлигининг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-психологик жиҳатдан яхши негизларини яратишга муваффақ бўлинганлиги учун ҳам ўшанда тўпланган тажрибага фикран қайтмоқдамиз. Биз кескинликни юмшатиш руҳини, муҳити ва моҳиятини тиклашни яна шунинг учун ҳам истамоқдамизки, халқаро ҳуқуқ тартибот ва хавфсизликнинг ишончли системаси сари янада олға бориш ниятидамиз. Истасангиз, бунда сифат жиҳатидан сакраш қилиш зарур.

Женевада иккинчи давраси эртага бошланадиган Совет—Америка музокаларида Совет Иттифоқи ўзаро мақбул қарорларни амалий равишда қидириб топишга тайёрдир. Афсуски, биз ҳозирча, музокарадошимизнинг худди шундай тайёрлигини сезмаяпмиз. АҚШ янги классдаги қурол — зарбдор космик қуролларни яратиш режаларини ҳар қандай қилиб бўлса ҳам амалга оширишни истаётганлигидан кўп нарса далолат бериб турибди. Женева музокараларини барбод этишгина эмас, шу билан бирга қуролланиш пойгасини тўхтатиш истиқболининг ўзини йўққа чиқариш ҳам шундай ишлардан бўлиши мумкин-ку, ахир.

Биз, Совет Иттифоқидагилар, бошқа мантиққа амал қиламиз. Инсоннятнинг умумий мулки бўлган космос ҳарбий рақобат майдонига айланмаслиги керак. Космос ҳарбийлаштирилмаса стратегик ядро қуролларини ҳам, шунингдек, Европада ўртача олислик ядро воситаларини ҳам тубдан қисқартириш мумкин.

Европада ўртача олислик ядро воситалари тўғрисидаги масала фикрлашувларимизда алоҳида ўрин олаётганлиги тушунарли. Бу масалада биз жуда илгарилаб кетишга тайёр эканлигимизни ғоят аниқ қилиб таъкидламоқчиман. Биз шу хусусда илгари қилган таклифлар ҳозир ҳам ўз кучида қолмоқда.

Ана шу таклифларнинг амалга оширилиши Европада ўртача олислик ракеталари бўйича СССР ва АҚШ ўртасида эҳтимол тутилган барча даражалардан энг паст — нуль даража ўрнатилишига олиб келган бўлур эди. Бизнинг Европа зонасида қолаётган ўртача олислик ракеталарига келганда шуни айтиш керакки, биз ракеталарнинг ўзи жиҳатидан ҳам, портловчи каллаклар жиҳатидан ҳам французлар билан инглизлар эга бўлганидан сира ҳам ортиқча миқдорга эга бўлмас эдик. Қисқартириладиган ракеталарни биз уларни бирон жойга кўчирмай йўқ қилишга тайёрмиз.

Шуни ҳам эслатиб ўтаманки, Совет Иттифоқи аллақачон айтган эди: Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги битимга эришилган ва у кучга кирган тақдирда СССРнинг шарқий районларида СС-20 ракеталарини жойлаштириш ҳам тўхтатилади. Бунинг учун Осиё регионидаги стратегик вазиятда муҳим ўзгаришлар содир бўлмаслиги шарт. Буни ҳозир ҳам таъкидлаймиз.

Европага келганда, биз қайта-қайта айтамизки, СССР ҳаммадан кўпроқ шу қитъанинг ўртача олислик ядро қуролидан ҳам, тактик ядро қуролидан ҳам батамом ҳоли этилишини истарди. Яъни СССР Европадаги нишонларни яксон этиш учун мўлжалланган қуролдан ҳоли бўлишни истайди. СССР бунга аллақачон тайёр, аммо НАТО мамлакатлари ўзларини бизнинг таклифимизни эшитмаётгандек қилиб кўрсатишни афзал билмоқдалар.

Қуролланиш пойгасини орқага буриб юбориш учун, аввало, уни тўхтатиш зарурлигини энг оддий мантиқ айтиб турибди. Совет Иттифоқи қурол-яроғларни қисқартиришга ўтишни айни енгиллаштириш мақсадида Женевадаги Совет—Америка музокаралари вақтида зарбдор космик қуролларни, стратегик ҳужум қуролларини, ўртача олислик ядро воситаларини яратмай туришни таклиф қилди. Ишнинг яхши бошланиши сифатида биз ўзимизнинг Европадаги ўртача олислик воситаларимизни жойлаштиришни ноябрь ойигача ихтиёрий равишда тўхтатиб қўйдик. Биз бошқа томоннинг бу ташаббусга Европада ядровий қарама-қарши туриш даражасини пасайтириш вазифасини ҳал этишга кўмаклашадиган жавоб - қайтаришини ҳамон кутмоқдамиз.

Айтилган гапларни хулоса қилиб шуни таъкидламоқчиманки, Совет Иттифоқининг равшан, конкрет ва олисни кўзловчи таклифларини амалга ошириш Европадаги, қолаверса, бутун дунёдаги вазиятни яхшилик сари сўзсиз тубдан ўзгартириб юборган бўлур эди. Зотан, биз бошқа давлатлар билан бир қаторда Италия ҳам воқеаларнинг шундай бурилишига талай даражада кўмаклаша олишига аминмиз.

Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш мавзусини давом эттириб, шуни айтмоқчиманки, Стокгольмдаги конференция ишига ёндашувда бизнинг Италия билан муайян яқинлигимиз бор, деса бўлади. Биз у ерда музокараларнинг моҳият эътибори билан тезроқ бошланиши, тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилиши тарафдоримиз. Афтидан, сиёсий соҳадаги катта-катта тадбирларни ҳарбий соҳада ўзаро мақбул конкрет ишонч тадбирлари билан боғлайдиган аҳдномани дадилроқ излаш лозим.

Умумевропа кенгаши Хельсинки Якунловчи акти имзоланганлигининг шу йил 1 августда тўладиган ўн йиллиги бизнинг фикримизча, кескинликни юмшатиш жараёнини тиклаш ва чуқурлаштириш белгиси остида ўтиши керак. Кескинликни юмшатиш руҳи билан суғорилган мазкур ҳужжатнинг тарихий аҳамияти унда қатнашган давлатларнинг бир-галикдаги ҳаракати билан тасдиқланиши лозим. Европадаги территориал-сиёсий реалликларни қандай баҳоналар билан бўлмасин бузиш йўлидаги уринишларга эса қатъиян чек қўйиш керак, албатта. Европанинг айни урушдан кейинги тузилиши қитъанинг қирқ йил тинчлигини таъминлаганлигини назардан қочириш кечирилмайдиган енгилтаклик бўлур эди.

Европа ишларининг яна бир жиҳатига тўхталиб ўтаман. Европа — ҳар хил кўп томонлама ташкилотлар мавжуд бўлган қитъадир. Ана шу ташкилотларнинг ҳар бири ўзининг талайгина тажрибасини тўплаган бўлиб, жаҳон экономикасида ҳам, халқаро сиёсатда ҳам муайян роль ўйнамоқда. Мен, аввало, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан Европа Иқтисодий Ҳамжамиятини назарда тутмоқдаман. Улар ўртасида иқтисодий ишларда ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш пайти келди, деб ўйлайман. Европа Иқтисодий Ҳамжамияти мамлакатлари «сиёсий бирлик» сифатида иш кўраётган даражада биз у билан конкрет халқаро проблемалар юзасидан умумий тил топишга тайёрмиз.

Министрлар Совети Раиси жаноблари! Бугунги суҳбатимиз чоғида биз умумий халқаро аҳволга назар ташлагандек бўлиб, хоҳ Ўрта Денгиз районида ёки Марказий Америкада бўлмасин, дунёдаги мавжуд ўткир кескинлик манбаларини тилга олмай ўтмаслигимиз мумкин эмаслиги мутлақо табиийдир. Бунда Совет Иттифоқи билан Италиянинг ёндашувларида муайян ўхшашлик вужудга келган, деб ўйлайман. Ана шу хатарли манбалар сиёсий воситалар билан тугатилиши лозим. Биз позицияларни яқинлаштиришни давом эттириш, регионлардаги муаммоларни музокаралар столи атрофида бартараф этиш йўлларини қидириб топишга активроқ кўмаклашиш, тазйиқка ва ўз ички ишларига қўпол аралашувга дучор бўлаётган давлатлар ҳамда халқларнинг суверен ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тарафдоримиз.

Совет Иттифоқи билан Италия ўртасидаги муносабатлар яхшигина ҳуқуқий негизга эга. Ўтган ўн йиллар мобайнида масалан, маслаҳатлашувлар тўғрисида 1972 йилги протокол, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасидаги бир қанча икки томонлама ҳужжатлар каби ҳамкорлик механизмлари ва воситалари пишиқтирилди. Ана шу воситалардан иккала томон учун ҳамда барча халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун наф келтириб, яна ҳам самаралироқ фойдаланишни ўрганиб олиш мумкин бўлса керак. Биз шундай куч-ғайрат сарфлашда қатнашишга тайёрмиз. Шу жиҳатдан биз Совет Иттифоқига қилган визитингиз, ўртамизда бўлиб ўтган сермазмун фикрлашувлар муносабати билан яна бир бор мамнуният изҳор қиламиз.

Совет халқи билан итальян халқи ўртасида қадимий ўзаро ҳурмат ва ҳайрихоҳлик туйғуларига асосланиб, баравар куч-ғайрат сарфлаб, биз Совет — Италия муносабатларини янада ривожлантириш учун ҳали кўпгина фойдали иш қила олишимизга аминман.

Министрлар Совети Раиси жаноблари, Сизга, Сизнинг муҳтарама рафиқангизга, ташқи ишлар министри Андреотти жаноблари ва италиялик барча меҳмонларимизга сиҳат-саломатлик ҳамда омон-эсонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Совет — Италия муносабатлари халқларимиз бахт-саодати ва Ер юзида тинчлик иши манфаатлари йўлида мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

* * *

Б. Кракси жавоб нутқи сўзлади.

Б. КРАКСИ нутқи

Бош секретарь жаноблари,

Менга ва рафиқамга, ташқи ишлар министри Андреоттига ва Италия делегациясига кўрсатилган дўстона иззат-икром учун Сизга астойдил ташаккур айтаман. Менинг мамлакатимга изҳор этаётган дўстлик туйғулари учун, Италия ҳукумати Европада ва дунёда тинчликни ҳимоя қилиш ишида ўйнаётган ролга берилаётган эътибор учун Сизга ташаккур айтаман. Сизнинг улуғ мамлакатингизга биринчи бор келганимдан кейин орадан 27 йил ўтгач, яна Москвада турганимдан жуда хурсандман ва бу гал алоҳида ва зўр қизиқиш билан сафар қилаётганимни Сизга айтмоқчиман. Бу визит менга, аввало, халқаро муносабатлар соҳасида Италияни илҳомлантираётган дўстлик туйғуларини ҳамда самимий ва тинч ҳамкорлик қилиш истагини совет раҳбарларига шахсан айтиш имкониятини беради. Бу истак Совет Иттифоқи халқи билан ҳукуматига ҳам қаратилган истакдир, биз Совет Иттифоқи халқи ва ҳукумати билан муносабатларнинг бутун комплекси турли соҳаларидаги аҳдномаларни ҳамжиҳатлик, ўзаро манфаатдорлик ва имкони борича кўпроқ ўзаро ҳурмат муҳитида мустаҳкамлашни хоҳлаймиз. Италия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг мутасил ривожланиши келгусида ҳам тинчлик манфаатларига, кескинликни юмшатишга ва халқаро барқарорликка хизмат қилишига аминман.

Очиғини айтсам, мен Сиз билан шахсан танишишни, инсониятнинг олий манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ғоят муҳим масалалар хусусидаги фикр ва таассуротларни Сиз билан ва СССР ҳукуматининг аъзолари билан муҳокама қилишни жуда хоҳлар эдим. Бугун бўлиб ўтган суҳбатлар шу маънода ғоят амалий ва маroқли бўлди, шу визитимизнинг моҳиятини тўла-тўкис тасдиқлади ва унинг мақсадларига олий даражада эришилганлигини қайд этиш имконини берди.

Икки томонлама соҳада бугунги суҳбатлар ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга қўшимча омил бахш этиш учун янги йўллар очди. Мувозанатли ривожланиш учун конкрет имкониятлар мавжудлигини аниқладик ва шу муносабат билан барқарор ва мустаҳкам негизда ҳамкорликни узлуксиз ривожлантириш ниятини изҳор қилдик.

Иқтисодий муносабатларни ривожлантириш кўпроқ ишонч ва халқаро ҳамжиҳатлик ҳамда халқларнинг тинч тараққиёти шароитларини амалда белгилаш соҳасидаги куч-ғайратлар учун мустаҳкам асос яратишига бўлган ишончим ҳар қачонгидан ҳам кучайди, деди сўзини давом эттириб Б. Кракси. Италия ҳукумати тинчликнинг анчагина кенг истиқболини назарда тутиб, шу шароитларни қайта тиклашга кўмаклашишни ўз олдига аллақачон мақсад қилиб қўйган. Биз Шарқий Европанинг кўпгина мамлакатлари ҳукуматлари билан алоқа ва ҳамкорликни ривожлантирганимизда ҳамда сиёсий, социал ва иқтисодий системалардаги мавжуд тафовутлардан қатъи назар халқларни ўзаро яқинлаштиришга интилганимизда мана шуларга асосландик.

Тинчлик — принцип ва бурчдир. Шу боисдан ҳам ҳеч нарса унинг ўрнини ололмайди.

Минглаб кишилар кун сайин омон қолиш учун курашаётган бир пайтда қуролланиш пойгасини қайтадан бошлашни биз бемаънилик, деб ҳисоблаймиз; биз ҳарбий устунлик принципини бутунлай рад қиламиз ва низоли масалаларни уруш ҳаракатлари йўли билан ҳал этиш воситасига мурожаат этишга қарши чиқамиз. Ҳавфсизлик шароитидаги тинчлик, ҳамма учун тинчлик, ҳар бир кишининг хавфсизлиги, мувозанатли ва назорат қилинадиган битимлар асосида кучларнинг имкони борича қуйи даражасидаги хавфсизлик бизнинг мақсадимиз бўлиб қолаверади. Биз Европада ва дунёда ёпасига қуролсизланишнинг босқичма-босқич ва мувозанатли жараёни шарт-шароити ва воситаси сифатида қурол-яроғлар устидан контроллик ўрнатилишига интиламиз.

Биз шу йил 7—8 январдаги Совет—Америка аҳдномасини қўллаб-қувватлашимизни билдирдик, бу аҳднома, бизнинг фикримизча, ҳамжиҳатлик яқуни бўлиб турли-туман манфаатлар ва энг муҳим мақсадлар бир жойдан чиққанлигининг мувозанатли нуқтасидир.

1985 йилда муҳим воқеаларнинг йиллиги: иккинчи жаҳон уруши — биз ҳеч қачон унута олмайдиган фожиа тугаган куннинг, БМТ тузилганлигининг қирқ йиллиги, шунингдек, Хельсинки Якунловчи акти имзоланган куннинг ўн йиллиги нишонланмоқда.

Бирмунча ишончли, бирмунча барқарор ва хавфхатар солинмайдиган тинчликни таъминлаш учун ёпасига зўр куч-ғайратлар сарфлаш бу муҳим саналарни нишонлашнинг энг яхши усули бўлур эди, деб ўйлайман. Бунинг учун Женевадаги музокаралар ижобий тарзда ривожланиши муҳимдир. Халқаро кескинликни юмшатиш ва турли географик районлардаги мавжуд танглик вазиятларини сиёсий воситалар билан ҳал этиш йўлларини қидириш соҳасидаги ялпи куч-ғайратлар сарфланиши мумкин.

Сўнгра Б. Кракси Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этиш муаммоларига тўхталди.

Яқин Шарқда ҳам, шунингдек, бошқа танглик вазиятларида ҳам, деди у, аҳволни сиёсий воситалар билан ҳал этиш йўлларини ташқаридан аралашмай, давлатларнинг сиёсий мустақиллигини, суверенитетини, территориал бутунлигини ва халқларнинг асосий ҳуқуқларини тўла ҳурмат қилиб, халқаро музокаралар орқали қидирмоқ керак.

Шунингдек, биз мамлакатларимиз ўртасида шу мақсадда ижобий тарзда фойдаланиб келаётган сиёсий маслаҳатлашувлар усули турли поғоналарда янада ривожлантирилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мана шундай ҳис-туйғулар билан бизга кўрсатилган иззат-икром учун яна бир бор ташаккур айтиб, шу ерда ҳозир бўлган барча кишиларга сиҳат-саломатлик тилайман.

* * *

М. С. Горбачев билан Б. Кракси нутқлари зўр эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан қутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

* * *

Б. Кракси совет ва чет эл журналистлари билан учраши. Меҳмон М. С. Горбачев билан ўтказилган музокараларнинг якунлари яхши бўлганлигини айтиб, бу музокаралар «ошкора ва дўстона вазиятда олиб борилганлигини ҳамда муҳокама этилган бир қанча проблемалар юзасидан ижобий натижалар билан тугаганлигини» таъкидлади.

У ҳар иккала томон ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга интиладиганлигига тўхталиб, Италия бу билан совет экономикаси самарадорлигини оширишга кўмаклашишдан ҳўнмаслигини қайд этиб ўтди. «СССРнинг иқтисодий қудрати ғарбга таҳдид қилиши мумкин, деб баъзи жойларда билдирилаётган фикрга қўшилмайман», — деди Италия Министрлар Советининг Раиси.

Б. Кракси Америка маъмуриятининг «самовий урушлар» программаси билан боғлиқ саволларга жавоб қайтариб, «космосни ҳарбийлаштириш режаларидан Совет Иттифоқи ҳаққоний ташвишланаётганлигини тушунаман, чунки бу ҳарбий-стратегик мувозанатни бузиш хавфини солмоқда», деди.

(ТАСС).

АНТОНОВНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ СОВЕТ МИЛЛИЙ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Римда «Папа Иоанн Павел II ни ўлдириш мақсадидаги фитна» тўғрисидаги иш юзасидан суд процесси бошланди. Ғарбнинг реакцион доиралари халқ Болгариясига қарши, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларга қарши тўқиб чиқарган сиёсий ифвогарлик янги босқичга кирди.

Бошланган суд мажлислари Италия юстицияси Сергей Антоновга ва унинг ватандошларига нохолисона ёндашаётганлигини, бир қанча итальян ва халқаро ҳуқуқ нормаларини бузаётганлигини, уларга қўйилаётган айблар юридик ва фактик нуқтаи назардан асоссизлигини тасдиқлади. Дастлабки суд мажлисларида Агжанинг ножўя қилиқларидан кейин халқаро жамоатчилик айбловнинг мана шу асосий ва бирдан бир гувоҳи ким эканини, унинг телбанамо хаёлоти нақадар ақл бовар қилиб бўлмаслигини, у нақадар беҳаёларча уйдирмалар тўқиётганини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилиш имконини олди. Ваҳолонки, Антоновга ва унинг ватандошларига қўйилаётган бутун айб Агжанинг «иқрорларига» асосланади ва шу «негиз»да Ғарб оммавий ахборот воситаларида социализм дунёсига қарши қабиҳ ташвиқотчилик кампанияси авж олдириб юборилган.

Римдаги суд бошланган ва чамаси, давом этаверадиган вазият империалистик реакциянинг ҳозир дунёда мавжуд бўлган икки фактик нуқтаи назардан асоссизлигини тасдиқлади. Дастлабки суд мажлисларида Агжанинг ножўя қилиқларидан кейин халқаро жамоатчилик айбловнинг мана шу асосий ва бирдан бир гувоҳи ким эканини, унинг телбанамо хаёлоти нақадар ақл бовар қилиб бўлмаслигини, у нақадар беҳаёларча уйдирмалар тўқиётганини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилиш имконини олди. Ваҳолонки, Антоновга ва унинг ватандошларига қўйилаётган бутун айб Агжанинг «иқрорларига» асосланади ва шу «негиз»да Ғарб оммавий ахборот воситаларида социализм дунёсига қарши қабиҳ ташвиқотчилик кампанияси авж олдириб юборилган.

Римдаги суд бошланган ва чамаси, давом этаверадиган вазият империалистик реакциянинг ҳозир дунёда мавжуд бўлган икки фактик иқтисодий-сиёсий система ўртасидаги мухолифликни кучайтириш учун, халқаро майдондаги мафкуравий курашни империализм ўзи социализмга қарши эълон қилган «салб юриши» доирасида кучайтириб бораётган ҳақиқий психология уруши билан алмаштириш учун фойдаланаётган усулларнинг бутунлай нопоклигини очиқ-равшан намойиш этмоқда.

Башарти, Римдаги судьялар ўзларига топширилган «ишнинг» бутун бемаънилиги ва сохталигини холисона баҳолай олсалар, болгар гражданларига тўнкалаётган айблар муқаррар чиппакка чиқади. Суд мажлислари Агжа томонидан навбатдаги миш-мишларни тарқатиш учун қасддан қандайдир ташвиқотчилик найрангбозлигига айлантириб юборилаётганига қараганда, бу масхарабозлик чўзилиб кетиши эҳтимоли туғилмоқда.

Совет жамоатчилиги Антоновни дарҳол озод этишни, туҳмат ва бўҳтонга учраган болгар гражданларининг пок номини қайта тиклашни, Болгарияга қарши, социализмга қарши жирканч кампаниянинг ташкилотчилари ва ижрочиларини фош этишни талаб қилади.

РИМДАГИ СУД НАЙРАНГБОЗЛИГИ КОММУНИЗМГА ҚАРШИ САЛБ ЮРИШИДИР

РИМ, 28 май. (ТАСС). Бу ерда «Антонов иши» юзасидан суд давом этмоқда. Турк террорчи Агжанинг «айтганлари» асосида Антонов Рим католик черкови бошлиғига қарши фитнада қатнашган деб айбланиб, жавобгарликка тортилган. 1981 йилнинг май ойида Рим папасига ўқ узган Агжа: «Мен — исо алайҳисаломман. Мен қудратлиман. Охират бўлганлигини билдириш учун бу ерда турибман» деган сўзлари суд биринчи кунида энг кўп шов-шув кўтарган гап бўлди.

Америка Си-Би-Эс телекомпанияси мухбирининг Римдан хабар беришича, Агжа ўзининг қилиғи билан «Суд ҳайъатини ҳайратга солди». Маслаҳатчилар лол бўлиб қолдилар. Аммо шундан кейин турк террорчи: «Мен мутлақо соғ одамман», деди. Қораловчилар суд шу гапга қўшилса керак, деган умиддалар, деб таъкидлашди мухбирлар. Чунки, Болгария граждани Антоновга қўйилган айб айни шу Агжанинг айтганларига асосланади.

«Унита» газетаси эса Агжа судда хўжайиндек кўринмоқда, калондимоғлик қилмоқда, деб таъкидлайди.

Антоновнинг ҳимоячиси, профессор Жузеппе Консоло ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Болгария иши»ни тўқиб чиқарган киши Али Агжа аслида қандай одамлигини ниҳоят суддa ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, афкор омма кўриб, қаноат ҳосил қилиши менга ғоятда муҳимдир. Илгари Агжа тўғрисида тергов материаллари асосида фикр юритиларди, эндиликда ҳамма унинг башарасини кўрди ва «эътироф этган гапларини эшитди».

СОФИЯ, 28 май. (ТАСС). Римдаги суд жараёни Болгарияда норозиликлар тўлқини вужудга келтирди. Мамлакатда ўтаётган кўпдан кўп митингларда океан ортидан гиж-гижлатилаётган шармандали суд ташкилотчиларининг мақсади — бегуноҳ Болгария гражданига туҳмат қилиш, БХР ва бошқа социалистик мамлакатларни бадном этиш эканлиги таъкидланмоқда.

С. Антонов ишлаган «Балкан» Болгария авиакомпанияси хизматчиларининг митингида сўзга чиққанлар ўз ҳамкасбларига қўйилаётган айб тутуруқсиз эканлигини айтдилар. Давлат терроризмини БКП ва БХР социалистик жамиятга ёт метод сифатида ҳамиша рад этиб келганликларини ва ҳозир ҳам шундай қилаётганликларини социалистик Болгарияда тарбияланган ҳар бир киши билади.

Римдаги суд жараёни ватандошимиздан ўч олишга айланиб кетиши мумкинлигини истисно этиб бўлмайди, дейишди нотиқлар. Аммо биз тараққийпарвар жамоатчиликнинг Болгария гражданини ҳимоя қилувчи овози эшитилади, деган умиддамиз. Шунда суднинг якуни фақат битта бўлиши мумкин: С. Антонов тамомила айбсиз деб топилиб, озод этилиши керак.

ОТТАВА, 28 май. (ТАСС). Канадада С. Антоновни ҳимоя қилиш комитети тузилди. Комитет баёнот бериб, Италия маъмурлари турк террорчиси Али Агжанинг сохта кўрсатувларига асосланган айбни олиб ташласин, шунингдек, Болгарияга ҳамда бу мамлакатнинг халқига қарши туҳмат кампаниясини тўхтатсин, деб талаб қилди.

Комитет аъзолари Италия маъмурлари «Антонов иши»ни ёпишига эришишни сўраб, Канада Бош министри Б. Малрунига телеграмма юбордилар.

ПАРИЖ, 28 май. (ТАСС). Бугун «Эко» газетасининг таъкидлашича, тергов материалларини судга оширган судья И. Марателлида Болгария граждани С. Антоновнинг айбдорлигини исботловчи далиллар йўқ.

МЕХИКО, 28 май. (ТАСС). Бу ерда «Римдаги суд — Вашингтоннинг коммунизмга қарши «салб юриши»нинг бир қисмидир» мавзуида «Давра столи» мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис С. Антонов билан бирдамлик Мексика Комитетининг ташаббуси билан АҚШ ҳукмрон кучлари ҳамда Ватикандаги реакцион кучлар ўртасидаги тадбириктиришни фош этиш кампанияси доирасида ўтказилди.

Мажлис қатнашчиларининг нутқларида С. Антоновга қарши Рим папасига суиқасд қилишга дахлдор, деб қўйилган айблов Болгариянигина эмас, шу билан бирга барча социалистик мамлакатларни ҳам қоралаш мақсадида тўқиб чиқарилган уйдирма эканлиги таъкидланди.

ХЕЛЬСИНКИ, 28 май. (ТАСС). Финляндияда чиқадиган «Тиедонантая» газетаси редакцион мақоласида Римда Антоновга қарши ўтказилаётган суд унинг Рим католик черкови бошлиғи Иоанн Павел II жонига суиқасдга дахлдорлиги ёки дахлдор эмаслигини аниқлашни сира ҳам мақсад қилиб қўймаган. Чунки, С. Антоновнинг айбсизлиги очиқ-ойдиндир, деб ёзади. Бу суд Америка маъмурияти олиб бораётган «Коммунизмга қарши салб юриши»нинг конкрет кўринишларидан биридир. «Тиедонантая» суд майнавозчилигини Марказий разведка бошқармасининг Болгария ва социалистик мамлакатларга қарши ишидир, деб уқтиради.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

БУХОРО ОБЛАСТЬ ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИ:

— А. Аҳмедовнинг Свердлов районидаги «Биринчи май» мактаби директори С. Ортиқовнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари тўғрисида ёзган шикоят хати текширилди. Аризада кўрсатилган фактлар қисман тасдиқланди. Мактаб директори ва хўжалик мудири айби билан мактабнинг собиқ секретари Х. Бадаловга иш ҳақи ва отпуска пули берилмаганлиги аниқланди. Текшириш пайтида бу пуллар эгасига қайтарилиб берилди. Штатдан нотўғри фойдаланилганлиги ҳам маълум бўлди.

Юқоридаги камчиликлар учун мактаб директори С. Ортиқовга сўнгги огоҳлантириш шарти билан қаттиқ ҳайфсан берилди. Хўжалик мудири М. Ҳамидов вазифасидан бўшатилди.

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ:

— Уйчи районидаги «Комсомол» колхозида яшовчи А. Ортиқовнинг правление раиси К. Йўлдошев дон тайёрлашда қўшиб ёзиш ва бошқа камчиликларга йўл қўяётганлиги ҳақидаги ариза-си текшириб чиқилди. Уйчи район партия комитети бюроси қарорига кўра, ишда нуқсонларга йўл қўйганлиги учун «Комсомол» колхози раиси К. Йўлдошевга қаттиқ ҳайфсан берилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ АВТОМОБИЛЬ ТРЕСТИ:

— Калинин районидаги «Назарбек» совхозида истиқомат қилувчи Ф. Мусаевнинг «Тошкент—Ғишт заводи» маршрути бўйича қатнайдиган автобуслар ҳаракатлари графиги бузилаётганлиги тўғрисидаги хати кўриб чиқилди. Шикоятда келтирилган фактлар тўғри. Келес автобус-таксоматор парки бўйруғи билан автоколонна бошлиғи Турсунхўжаевга ҳайфсан эълон қилинди. Шунингдек, йўловчиларга нисбатан қўпол муомалада бўлганлиги учун автобус ҳайдовчи М. Раимовга ҳам ҳайфсан берилди.

Хат ҳайдовчилар йиғилишида муҳокама қилинди ва тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги вақтда мазкур маршрутга тўртта «ЛАЗ—695» маркали автобус ажратилди. Улар иши устидан назорат ўрнатилди.

ВАЗИФАСИДАН БЎШАТИЛДИ

Гагарин районидан Ғ. Ҳакимов Болдир пахта пунктида социалистик қонунчилик бузилаётгани ва бошқа камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳақида редакциямизга мактуб йўллаган эди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРОКУРАТУРАСИдан олинган жавобда қайд этилишича, ҳақиқатан ҳам Болдир пахта пункти мудири О. Эргашев қонунчиликни бузган. Бу ҳақда район прокурори Гагарин район партия комитетини ва Термиз пахта тозалаш заводи маъмуриятини хабардор қилган. Район партия комитети бюроси қарорига мувофиқ, О. Эргашевга ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан берилиб, вазифасидан бўшатилди.

СССРдан жўнаб кетди

Италия Министрлар Советининг Раиси Б. Кракси 30 май куни Совет Иттифоқидан жўнаб кетди. У совет раҳбарларининг таклифига биноан визит билан мамлакатимизга келган эди.

Москва аэропортида уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Б. Краксига ҳамроҳлик қилган Италия ташқи ишлар министри Ж. Андреотти ҳам у билан бирга жўнаб кетди.

(ТАСС).

СОВЕТЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИБ

ИВАНОВО, 30 май (**ТАСС мухбири**). Дастлабки Советларнинг 80 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси кеча биринчи ишчи депутатлари умумшаҳар Советининг ватанида ўз ишини якунлади.

Якунловчи кунда секцияларнинг мажлислари бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари Советларнинг оламшумул-тарихий аҳамиятига, уларнинг турли ривожланиш босқичларига муфассал тўхталиб ўтдилар. Халқ ҳокимияти органларига партиявий раҳбарликни кучайтириш, хўжалик ва маданий-маиший масалаларни ҳал этишда, давлат планларини бажариш ҳамда иқтисодий ва социал ривожланишни комплекс амалга оширишни таъминлашда Советларнинг ижодий потенциалидан янада тўлиқроқ фойдаланиш масалаларига ал

ИШЧИ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ШИОРИ:

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА — 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!

РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИНИ КЕНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

МУСОБАҚА — МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ

1985 ЙИЛ, МАЙ, № 5 (133)

ҲАЁТИМИЗ РИВОЖИ ШУНДАКИ, ҲАР БИР КИШИ ЯНАДА ЯХШИРОҚ ВА УНУМЛИРОҚ ИШЛАШИ МУМКИН ВА ЛОЗИМ. КИШИЛАРНИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ БОЙЛИҚЛАРГА БЎЛГАН ТОБОРА УСИБ БОРАЁТГАН ЭҲТИЕЖЛАРИНИ ТЎЛАРОҚ ҚОНДИРИШГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚУШИШ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР.... ЛЕНИН ПАРТИЯСИ, БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИ ҲАЁТИДАГИ БЎЛАЖАК УНУТИЛМАС ВОҚЕА АРАФАСИДА БИЗ ҲАР БИР ЎЗБЕКИСТОНЛИККА МУРОЖААТ ҚИЛИБ, УЛАРНИ КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА ТУРИШГА, СЪЕЗД ОЧИЛАДИГАН ҚУНГАЧА 27 ЗАРБДОР ЎН ҚУНЛИКНИ ЎТКАЗИШГА ЧАҚИРАМИЗ.

(Республика ишлаб чиқариш илғорларининг барча меҳнаткашларга Мурожаатидан).

ОЛДИНГИ САФДАГИЛАР

ҚУШ БРИГАДА РАПОРТИ

Ленинград район колхозлараро механизациялашган кўчма колоннасининг икки бригадаси беш йиллик планини муддатидан илгари бажаргани ҳақида рапорт берди. Холдорали Ҳатамов ва Римма Федорук етакчилигидаги бригадалар қурилиш, бўяш-пардозлаш ишларини сифатли адо этдилар.

Беш йиллик марраларидан ўзиб ишлаётган бу бригадалар партия XXVII съезди шарафига юксак мажбуриятлар олиб, мусобақанинг олдинги сафларида боряптилар.

Р. МАМАДИСАЕВ,
Фарғона области.

СТАХАНОВЧАСИГА

С. Келдиёров бошлиқ комплекс механизациялашган бригада азаматлари шу кунларда 1986 йил апрель ойи ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Бригада Пайариқ район йўл қурилиш-ремонт бошқармасининг пешқадам коллективларидан бири бўлиб, Злобин методи асосида ишлаш намуналарини кўрсатяпти.

Партия XXVII съезди шарафига бошланган мусобақада С. Келдиёров бригадаси стахановча суръат билан ишлашга аҳд қилди. Бульдозерчи Сиддиқ Йўлаҳшиев, тракторчи Володя Фишер, ишчи Тўлқин Турғуновлар ҳам ҳар сменада 1,5-2 норма миқдорида иш бажармоқдалар.

К. СИНДОРОВ,
Самарқанд области.

* * *

Редакция ишчи коллективларидаги пешқадамлар намунаси ҳақида андижонлик Х. Ғойибов, Т. Холбоев, Й. Султонов, наманганлик Б. Маҳмудов, С. Қўчқоров, фарғоналик К. Холбеков, М. Шарипов, хорезмлик И. Эшжонов ўртоқлардан ҳам хат-хабарлар олди.

МАЖБУРИЯТЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРЯПСИЗ?

НОВАТОРЛАР ДАЪВАТИ

ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР

Халқимиз ўз табиатига кўра — ижодкор, яратувчи. Тошкент трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Қўқон пойабзал фабрикасида энг сифатли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган потоклар яратилди. Куни кеча республика ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари партия XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик ўтказиш, съезд очиладиган кунгача 1986 йил биринчи квартали шахсий планларини адо этишдан иборат ватанпарварлик ҳаракатини бошлаб бердилар.

Бу новаторлик эмасми! Партия ва ҳукуматимиз изчил сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаётган меҳнат кишиларининг амалий жавобидир бу. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган бу ташаббус республикада кенг ёйилмоқда. Новаторлар даъватига қўшилганлар халқ хўжалиги турли тармоқларида кўпайиб боряпти.

Ана шундай шонли ҳаракатлар экономика ва маданий қурилиш соҳасида зафарли марралар эгалланишига имкон беради. Партия ва ҳукуматимизнинг тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, уюшқоқликни ошириш, ҳамма ерда ишчанлик вазиятини қарор топтириш соҳасида кўраётган тадбирлари ўз самараларини кўрсатмоқда. Ўзбекистон саноати ўн биринчи беш йиллик якунловчи йили тўрт ойи топшириқларини ошириб бажарди. Маҳсулот реализация қилиш плани 101 процент адо этилди. Маҳсулот ҳажми бўйича топшириқ 104,9 процент уддаланди. Гарчи календарь иш кунлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки кун оз бўлса ҳам шундай натижага эришилди. Қурувчилар қатор янги объектларни ишга туширдилар. Кўплаб қўриқ ерлар ўзлаштирилди. Юзлаб уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Транспорт ишида сезиларли бурилиш юз берди.

Замонавий хўжалик юритиш форма ва усулларини жорий қилишга алоҳида аҳамият бериляпти. Бунга пахта тайёрлаш системаси қайта қурилганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Толанинг миқдори ва сифатига қараб хўжаликларга бултургидан 600 миллион сўм кўп ҳақ тўлаш мўлжалланмоқда. Яна бир афзаллик шундаки, чигитнинг сифати яхшиланди. Ёғ-мой саноати тармоғи корхоналари иқтисодий жиҳатдан аҳволни яхшилаб бормоқда.

Лекин эришилган натижаларга партия XXVI съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми талаблари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кўрсатмалари асосида баҳо берсак, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳали оз эмаслигини кўриш мумкин.

Ҳа, ҳали орамизда масъулиятсиз, дангаса, прогулчи, бракчи, гапининг субути йўқ, план бажармовчи кишилар бор. Ўшалар сабаб бўлиб айрим корхоналарда мажбуриятлар у ёқда турсин, давлат планлари ҳам бажарилмаяпти. Тошкент область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида ҳал этилмаган масалаларга алоҳида эътибор қилинди. Областдаги ҳар ўн корхонанинг бири товар маҳсулот тайёрлаш планини адо этмади. Корхоналарнинг бешдан бири ишлаб чиқариш суръатини пасайтириб юборди. Тўрт ойда 41 миллион сўмлик кам саноат маҳсулоти тайёрланди. Яна бир рақам: ҳар тўрт корхонанинг бири шартнома мажбуриятларини барбод берди.

Республика саноати планда белгиланган миқдорда газ қазиб чиқариш, пўлат қуйиш, олтингугурт кислотаси олиш, ип газлама ва трикотаж тайёрлашга эришгани йўқ. Шартнома мажбуриятларига қатъий амал қилмаслик натижасида йилнинг ўтган ойларида 280 корхона 204 миллион сўмлик маҳсулот қарздор бўлиб қолди.

Қувватлардан тўла фойдаланмаслик қолоқликка сабаб бўлмоқда. Исрофгарчилик, хўжасизлик барҳам топмаган иш жойларини аттестациядан ўтказиш, интенсивлаш тадбирларини кўриш активлаштирилиши зарур. Қўл меҳнати салмоғи ҳамон юқори. Механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган цехларда, участкаларда хизмат қилаётган ишчиларнинг 56 проценти қўл меҳнати билан банд. Айни вақтда поток линияларнинг ярмигина лойиҳа даражасидаги қувват билан ишлаяпти.

Вазифа — илғорларнинг тажрибасига асосланиб, план ва социалистик мажбуриятларни бажаришни таъминлашдан иборат. Министрликлар, идоралар, корхоналарнинг раҳбарлари, маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этишда принципиаллик кўрсатишлари лозим. Съездолди кўрниги ҳар биримиздан шуни талаб қилади.

Илғорлар ва новаторларнинг даъватига жавобан:

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА — 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК ҲАРАКАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ САФИ КЕНГАЙИБ БОРАВЕРСИН!

● СЎЗ—ТАШАББУСКОРЛАРГА

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Шу кунларда мамлакатимиз халқ хўжалигининг қайси жабҳасига қараманг, меҳнат кишиларининг тилида ҳам, дилида ҳам бир эзгу ният — КПССнинг XXVII съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш. Республикамиз ишлаб чиқариш илғорларидан бир группаси бошлаган ватанпарварлик ҳаракати бунга ёрқин мисол. Ана шу ташаббускорлар сафида ўзим ҳам борлигимдан фахрланаман.

Одилбек ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 167-қурилиш трестининг комплекс бригадаси бошлиғи

Республика қурувчиларининг оддий бир вакили сифатида шуни айтишим мумкинки, Ватанимиз социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга эришишда бинокорлар олдида катта вазифалар турибди. Масалан, республикамиз миқёсида Улуғ Октябрнинг 68 йиллигига қадар 77 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилади. Толлимаржон сув омбори ишга туширилади. Чуст, Хўжаобод шаҳарларида янги саноат қувватлари ҳаракатга келади. Хуллас, улар жуда кўп, ҳаммасини санаб бўлмайди. Лекин уларнинг барчасини бекамиқўст қуриб битказиш, созлаш, ҳаракатга келтириш — ҳар бир қурувчи, монтажчи, созловчининг юксак гражданлик бурчи. Шундагина биз, йиллик ва умуман беш йиллик топшириқларимизни, социалистик мажбуриятларимизни партия ва ҳукуматимиз талаб қилган даражада ошириб бажаришга эришамиз. Шундагина биз, КПСС XXVII съездига ёруғ юз билан бориб, эл-юртни қувонтирамиз, мамлакат экономикасига муносиб ҳиссамизни қўша оламиз.

Комплекс бригадамизнинг 21 аъзоси орасида Раҳимбой Матназаров, Қурамбой Мусаев, Ғойибназар Худойберганов сингари ўз ишининг усталари бор. Қ. Раҳимов, Қ. Қўчқоров, Р. Юсупов, Б. Машарипов каби ёшлар уларнинг тарбиясида шогирдликдан устозлик даражасига кўтарилдилар.

Ана шундай ишчан, принципиал, меҳнатда ва ҳаётда ўз шахсий позициясига эга ҳамкасбларим ғайрат-шижоати билан ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ўтган йилнинг 15 октябрида бажаришга эришдик. Ҳисоб-китоб қилиб кўргач маълум бўлдики, ҳар бир қурувчи ўз шахсий нормасини 150 процентдан адо этди. Кейин биз янада аниқроқ ҳисоблаб чиқиб, ортиқча 50 процент қандай пайдо бўлганини конкрет таҳлил қилишни иқтисодчилардан сўрадик. Уларнинг жавоби лўнда бўлди: меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишга кечикиб келиш ва прогул қилиш ҳолларига чек қўйиш, турли хил ўринсиз танаффусларни қисқартириш ҳисобига — 10 процент, касб маҳоратини мунтазам ошириб бориш, турдош касбларни эгаллаш йўли билан иш жойларида ўриндошлик қилиш ҳисобига 20 процент, одамларни объектларга ва иш жойларига тўғри тақсимлаш ҳисобига — 20 процент—жами 50 процент планга қўшимча иш бажарилган.

Матбуотда 18 ташаббускорнинг республикамиз барча меҳнаткашларига мурожаати эълон қилиниши билан бригадамизда йиғилиш ўтказиб, йилнинг қолган даврида ҳам ишни юксак маромда давом эттиришга, процентлар салмоғини ошириб боришга қарор қилдик. КПССнинг XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик меҳнат вахтасига тураётганлар сафига бутун бригадамиз билан қўшилдик. Тугалловчи йил топшириғини СССР Конституцияси кунига қадар адо этиш режаларини белгилаб олдик. Шундан кейин съездгача қолган давр мобайнида яна ярим йиллик план ҳажмида иш бажарамиз.

Бунинг учун мавжуд резервларимизни ҳисоблаб чиқдик. Меҳнат унумдорлигини янада ошириш мумкин бўлган имкониятларимизни аниқладик. Жумладан, вазият тақозо қилганда муваққат звеноларга бўлиниб ишлаш методини ўзлаштирдик. Бунда коллектив иш фронти тайёрлигига ва қурилиш материаллари бутлигига қараб тез, самарали, сифатли ишлаш резервларини дарҳол пайқаб олади. Шунингдек, ҳаракат графикларини аниқ тузиш, асосий қурилиш материалларини олдиндан ҳозирлаб қўйиш имконига эга бўлади. Натижада вақтдан ютиб, ишчи қучларидан ва машина-механизмлардан унумли фойдаланишга эришамиз.

Шу кунларда 24 квартирали уй-жой биноси қурилишини ниҳоясига етказиш арафасидамиз. Ҳадемай, пардоз ишларини бошлаймиз. Август ойининг бошларида, тахминан Қурувчилар байрами куни олдидан уни фойдаланишга топширамиз. Пойдевори мустаҳкам бўлган иншоотлар узоқ яшаганидек, бизнинг иш ва режаларимиз пойдевори ҳам ана шундай аниқ ва мустаҳкам.

ИЗДОШЛАР

Биз ҳам қўшилдик

Қарши даштини ўзлаштиришда минглаб кишилар қатнашяпти. Биз ҳам шу сафдамиз. Мен ва ҳамкасбларим республикамиз ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларидан бир группаси мурожаатини ўқиб, уни астойдил қувватладик. Съезд очиладиган кунгача 1986 йил дастлабки квартали топшириқларини бажариш режаларини белгилаб олдик.

Бригадамиз аъзолари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини бажариб, мажбурият ҳисобига меҳнат қилмоқда. Қарши даштининг бунёдкорлари объектларни эртароқ ишга тушириш тадбирларини кўрмоқдалар. Ана шу яратувчилик ишларида иш вақтидан унумли фойдаланиш, ускуналарни бекор қўймаслик, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ҳал қилувчи роль ўйнашини яхши биламиз. Пешқадамлар даъватита қатъий амал қилиб, съездолди зарбдор ўн кунликларининг ҳар бирида ғолиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Анатолий ШАНОВ,
Қарши «Стройиндустрия» бирлашмаси бригадири.

● МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

ГАП КЎП-У, ИШ ОЗ

(ҒАРОЙИБ РЕПОРТАЖ)

Қолоқлик гирдобидан чиқолмай турган Янгийўл пойабзал фабрикасининг Сирдарё филиали ҳасрати: Ие, бу гал ҳам планни бажаролмай қоламан шекилли... Бўлмайдиган иш—бўлмас экан-да! Йил бошидан «ҳеч бўлмаса шу йили юзим ёруғ бўлади» деб умид қилувдим.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган болалар пойабзаллари сўзидан: Аслида омадсиз эканмиз... Омадимиз бўлса шу йил тайёрланган 400 жуфтимизнинг салкам 5 процента брак деб топиларми-ди? Давлат стандартлари идораси ходимлари келиб, «ГОСТ талабларига жавоб бермайсиз» деди-да, ўша брак қилинган қисмимизни корхонадан бутунлай чиқармай қўйишди. Кичкинтойлар учун тикилган пойабзал (пинетка)ларнинг савдо пештахталарида чанг босиб ётганидан уялиб кетамиз. Уларни харидорлар қўлига олиб, у ёқ-бу ёғини кўришади-ю, ташлаб кетишади. Бундан кўра тикилмаганимиз яхши эди...

Филиал бошлиғи А. Шукуров «тавба»сидан: Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилибди. Брак учун қанча жарималар тўламадик... Ўзиям ўта масъулиятсизликка берилиб кетган эканмиз. Эл-юртнинг дили ранжиса ранжигудек ишлар қилибмиз. Маҳсулотимиз сифати ҳеч кимга ёқмаяпти. Ишлаб чиқариш технологиясида бузилишлар содир бўлмоқда. Меҳнат интизоми, иш унумдорлиги ва тежамкорлик нормаларига қатъий амал қилмаяпмиз. Ишга кечикиб келиш, прогул қилиш каби нохуш ҳоллар ҳали бор. Район халқ контроли комитетида келган вакиллар ҳақ. Тўғрисини айтишди. Лекин ўзимга виговор бергани ҳунук бўлди. Обрўйимга яхши эмас... Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг ўша куни лабимга учқунлар тошди...

Репортаж муаллифи дейди: Хафа бўлманг, ҳали ҳам сийлашибди. Ўйлаб кўринг, худди шу масъулиятсизлик туфайли корхона ўтган йили болалар пойабзали ишлаб чиқариш топшириғини аранг 83,8 процент бажарганди. Шу йилнинг биринчи кварталида ҳам қолоқликка йўл қўйдингиз. Кейин «тез кунларда аҳволни ўнглаб оламиз» деб ваъда бердингиз. Лекин, мана, бешинчи ой кетяптики, сезиларли силжиш йўқ...

Республикамизнинг илғор ишчилари, пешқадам коллективлари КПСС XXVII съезди шарафига —27 зарбдор ўн кунлик меҳнат вахтасини бошлаган шу долзарб дамларда ҳам корхонада хотиржамлик, сусткашлик...

Сўнгги сўзни корхона ишлаб чиқаришига мутасадди раҳбарлардан, қолаверса, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигидан сўраймиз.

* * *

...Сирдарёда бўлган бу ҳангомадан хабар топиб Гулистон консерва заводи маҳсулотлари ҳам ола-говур кўтариб қолишди: «Темирни қизиғида бос», дейдилар. Келинг, биз ҳам республика Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига ёзамиз...».

Ёзишди: «Министрликка етиб маълум бўлсинки, область агросаноат бирлашмасига қарашли корхонамизга яқинда келган халқ назоратчилари пўстагимизни қоқиб кетишди. Ишлаб чиқариш технологияси бузилаётгани борми, меҳнат интизоми пастлиги-ю хўжасизлик ҳоллари борми — ҳаммасини очиб ташлашди. Сифатимизга қатъий эътироз билдиришди. Текширишга олинган олма, тарвуз шарбатлари ва зираланган олма консервларининг ҳаммасини юз фоиз брак қилдилар. Сифатсизлиги учун омборларда узоқ туриб қолган ва ниҳоят бузилган маҳсулот турлари устидан айбнома тузишди. Корхонанинг Боёвутдаги филиали ишини, айниқса, ташвишли деб топдилар...

Хуллас, гап кўп, иш оз. Аниқроғи, ишимиз чатоқ. План топшириқлари ишкал. Кайфиятимиз ёмон. Истеъмолчилар норози. Заводимиз директори Д. Чижук билан Боёвут филиали бошлиғи А. Амиров иккисига «ёрдам» бермасангиз бўлмайди...».

Ғаройиб репортажни қоғозга туширувчи

Н. САЪДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

● Меҳрибон мураббийлар

СУЛОЛА ВАХТАДА

КПСС XXV съезди номли Наманган аврли шойи газламалар комбинатида 465 ишчи сулоласи меҳнат қиляпти. Улардан бири —Икромовлар сулоласи.

— Аврбандчилик — кўҳна касб, — дейди сулола бошлиғи Иброҳимжон Икромов. — Халқимиз севиб кияётган, кўз қамаштирувчи хонатласларнинг нечоғли кўркам, бежирим бўлиши кўп жиҳатдан ана шу шарафли касб соҳибларига боғлиқ. Ҳозиргача аврбандчилар хонатласнинг 224 га яқин нусхасини кашф этишган. Улар шу кунларда янги-янги нусхалар яратиб, аҳолининг кенг истеъмол моллари-га бўлган талабини тўлароқ қондириш йўлида тинмай изланмоқдалар.

Биз оиламиз билан аврбандчилик касбини танлаганимиздан ва бу касбда ишлаётганимиздан фахрланамиз. Турмуш ўртоғим Гулниса, укаларим Собиржон, Содиқжон, уларнинг фарзандлари шу касб ортидан обрў-эътибор топдик. Ҳозир комбинатда 8 киши ишлаяпмиз. Ҳаммамизнинг корхонадаги умумий меҳнат стажимиз 60 йилдан ошиб кетди.

Ҳа, сулола бошлиғининг корхонада меҳнат қила бошлаганига ярим асрдан ошди. У 1930 йилда «Янги Ривожия» артелида ўз меҳнат фаолиятини бошлади. Бу давр ичида юзлаб ёшларга аврбандчилик сирларини ўргатди, мураббийлик қилди. Ҳозир унинг 250 дан знёд шогирди бор.

Уруш ва меҳнат ветерани И. Икромовнинг Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида кўрсатган жасурлиги ҳам таҳсинга лойиқ. У 2-Украина фронти қўшинлари сафида Ленинград, Калининград, Варшава шаҳарларини озод қилишда фаол қатнашди. Сўнгги марта Старое Руссада яраланиб, меҳнат қучоғига қайтди. Кўксини безаб турган 8 та жанговар медаль бунинг гувоҳи. Улар ёнига тақиб қўйилган Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан СССР Енгил саноат министрлигининг «Социалистик мусобақа аълочиси» нишони меҳнат жабҳасида эришган ютуқларидан далолат.

— Етмиш икки баҳорни кўрдим,— дейди Иброҳим ака сўзида давом этиб, — ҳамон ишлаяпман. Ишсиз туролмайман. Куч-қувватим бўла туриб, бекор юришдан нима фойда. Кеноийингиз яқинда пенсияга чиқди. Бироқ, ўрни бўш қолгани йўқ. Қизимиз Ҳабибахон билан келинимиз Дилбархон унинг ўрнини эгаллашди. Тўрт фарзандимиз — Рисқиқхон, Ғулхон, Саврониса ва Исмоилжон эса қўшни шойи газламалар комбинатида ишлашяпти. Ҳаммамизнинг касбимиз битта: тўқувчилик. Мақсадимиз ҳам битта: эл-юртни чиройли кийинтириш...

Яқинда иккала корхонада ишлаётган Икромовлар сулоласининг барча аъзолари бир жойга тўпланиб, республикамиз ишлаб чиқариш илғорлари бошлаган ватанпарварлик ҳаракатидан сўз очдилар. Суҳбат охирида улар: ташаббускорлар даъватига қўшилиб, партиямизнинг XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик меҳнат вахтасида фаол қатнашамиз, ҳар биримиз съезд йили биринчи квартали планини февраль ойидаёқ бажаришга эришамиз!— деб аҳд қилдилар.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

— Сулоламиз аъзолари ишчи, деган юксак номни .турмушда ва меҳнатда эъзозлаб келмоқдалар, — дейди Иброҳимжон ота. — Ҳар биримиз смена топшириқларини ошириб бажариш билан бирга маҳсулот сифатини мунтазам яхшилаб боришнинг янги резервларини ҳаракатга келтириш чораларини кўрмоқдамиз.

Суратда: ёшларнинг меҳрибон мураббийси Иброҳимжон Икромов бир группа шогирдлари даврасида.

Автор фотоси.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

1985–1986 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ



В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

(Тошкент шаҳри-95, Студентлар шаҳарчаси)

Кундузги ўқишга: фойдали қазилма конларини геологик суратга олиш, излаш ва разведка қилиш; фойдали қазилма конларини излаш ва разведка қилишнинг геофизик методлари; геохимия; гидрогеология ва инженерлик геологияси; амалий математика; қуруқлик гидрологияси; агрохимия ва тупроқшунослик; ҳуқуқшунослик; рус тили ва адабиёти; она тили ва адабиёт; роман-герман тиллари ва адабиёти; шарқ тиллари ва адабиёти; тарих; сиёсий иқтисод; психология; математика; механика; астрономия; химия; физика; биология; журналистика; география; КПСС тарихи.

Кечки ўқишга: рус тили ва адабиёти; она тили ва адабиёт; тарих; математика; физика; химия; биология; журналистика; география; ҳуқуқшунослик.

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти; она тили ва адабиёт; тарих; журналистика; география; қуруқлик гидрологияси; агрохимия ва тупроқшунослик; ҳуқуқшунослик.

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

(Бухоро шаҳри, Ульянов кўчаси, 25/2-уй)

Кундузги ўқишга: электр энергетика; таом ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратлари; енгил саноат машиналари ва аппаратлари; машинасозлик; донни қайта ишлаш технологияси ва сақлаш; нон ёпиш, макарон ва кондитерлик ишлаб чиқариш технологияси; умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш; тикувчилик буюмлари технологияси; чарм ва мўйна технологияси; чарм буюмларини конструкциялаш; қурилиш; озиқ-овқат моллари саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Кечки ўқишга: саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; таом ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратлари; енгил саноат машиналари ва аппаратлари; машинасозлик; умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш; табиий ва химиявий толаларни йигириш; чарм ва мўйна технологияси; тўқувчилик; саноат ва граждан қурилиши; қурилиш.

Сиртқи ўқишга: таом ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратлари; машинасозлик; умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш; тикувчилик буюмлари технологияси; донни қайта ишлаш технологияси ва сақлаш; нон ёпиш, макарон ва кондитерлик ишлаб чиқариш технологияси; қурилиш; озиқ-овқат моллари саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Кундузги ўқишга: фойдали қазилма конларини геологик суратга олиш, излаш ва разведка қилиш; нефть ва газ конлари геологияси ва разведка қилиш; фойдали қазилма конларини излаш ва разведка қилишнинг геофизик методлари; гидрогеология ва инженерлик геологияси; фойдали қазилма конлари технологияси ва разведка қилиш техникаси; маркшейдерлик иши; фойдали қазилма конларини ер остида ишлаш технологияси ва уни комплекс механизациялаш; нефть ва газ конлари ишлари технологияси ва уни комплекс механизациялаш; газ-нефть қувурлари, газ омборлари ва нефть базаларини эксплуатация қилиш ва лойиҳалаштириш; фойдали қазилма конларини очиқ ишлаш технологияси ва уни комплекс механизациялаш; электр станциялари; электр системалари; саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; иссиқлик электр станциялари; иссиқлик электр станцияларида ёқилғи ва сув технологияси; гидроэлектроэнергетика; саноат иссиқлик энергетикаси; рангли металлар металлургияси; машинасозлик технологияси, металл кесадиган станоклар ва асбоблар; қуюв ишлаб чиқариши машиналари ва технологияси; металларга босим йўли билан ишлов бериш машиналари ва технологияси; пайвандлаш ишлаб чиқариши ускуналари ва технологияси; кон машиналари ва комплекслари; қишлоқ хўжалик машиналари; автомобиллар ва тракторлар; химия ишлаб чиқариши машиналари ва аппаратлари; ички ёниш двигателлари; совутиш ва компрессор машиналари ҳамда қурилмалари; полимер материалларидан буюмлар ва деталлар ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси; самолётсозлик; электр машиналари; электр изоляция ва кабель техникаси; автоматика ва телемеханика; электрон-ҳисоблаш машиналари; саноат электроникаси; саноат қурилмаларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; ярим ўтказгичли ва микроэлектрон асбоблар; кон ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; химиявий технология жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш; ахборотларни узатиш ва ишлаш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш; физик электроника; бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари; амалий математика; электрон-ҳисоблаш аппаратураларини конструкциялаш ва ишлаб чиқариш; радиотехника; радиоаппаратураларни конструкциялаш ва ишлаб чиқариш; нефть ва газни қайта ишлашнинг химиявий технологияси; ноорганик моддалар технологияси; тўқима материалларнинг химиявий технологияси; резина технологияси; асосий органик ва нефть-химия синтези технологияси; пластик массаларни қайта ишлаш технологияси; керамика ва ўтга чидамли материалларнинг химиявий технологияси; ёғочсозлик технологияси; ачитқи ишлаб чиқариш технологияси; мойлар технологияси; виночилик технологияси; архитектура; саноат ва граждан қурилиши; дарё иншоотлари ва гидроэлектростанцияларнинг гидротехник қурилиши; бинокорлик буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш; иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция; сув таъминоти ва канализация; амалий геодезия; машинасозлик саноати экономикаси ва уни ташкил этиш; қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти

(Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй)

Кечки ўқишга: гидрогеология ва инженерлик геологияси; нефть ва газ конлари ишлари технологияси ва уни комплекс механизациялаш; электр станциялари; электр системалари; саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; саноат иссиқлик энергетикаси; машинасозлик технологияси, металл кесадиган станоклар ва асбоблар; қуюв ишлаб чиқариши машиналари ва технологияси; металларга босим йўли билан ишлов бериш машиналари ва технологияси; пайвандлаш ишлаб чиқариши ускуналари ва технологияси; қишлоқ хўжалик машиналари; химия ишлаб чиқариши машиналари ва аппаратлари; совутиш ва компрессор машиналари ҳамда қурилмалари; автомобиллар ва тракторлар; самолётсозлик; электр изоляция ва кабель техникаси; автоматика ва телемеханика; электрон-ҳисоблаш машиналари; саноат электроникаси; химиявий технология жараёнларини автоматлаштириш ва комплекс механизациялаш; саноат қурилмаларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; ярим ўтказгичли ва микроэлектрон асбоблар; бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари; амалий математика; электрон-ҳисоблаш аппаратураларини конструкциялаш ва ишлаб чиқариш; ёғочсозлик технологияси; мойлар технологияси; архитектура; саноат ва граждан қурилиши; бинокорлик буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш; иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция; сув таъминоти ва канализация; амалий геодезия; қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш; машинасозлик саноати экономикаси ва уни ташкил этиш; радиотехника; радиоаппаратураларини конструкциялаш ва ишлаб чиқариш.

НАМАНГАН ФИЛИАЛИ

(Наманган шаҳри, 3-микрорайон)

Кундузги ўқишга: машинасозлик технологияси, металл кесадиган станоклар ва асбоблар; қишлоқ хўжалик қурилиши; гидромелиорация ишларини механизациялаш; саноат ва граждан қурилиши; дарё иншоотлари ва гидроэлектростанцияларнинг гидротехник қурилиши.

Кечки ўқишга: машинасозлик технологияси, металл кесадиган станоклар ва асбоблар; саноат ва граждан қурилиши.

Сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши; қишлоқ хўжалик қурилиши; иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция; гидромелиорация ишларини механизациялаш.

САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

(Самарқанд шаҳри, Ертешар кўчаси, 5-уй)

Кундузги ўқишга: саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; машинасозлик технологияси, металл кесадиган станоклар ва асбоблар; ноорганик моддалар технологияси.

Кечки ўқишга: саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; автомобиллар ва тракторлар; ноорганик моддалар технологияси; машинасозлик технологияси, металл кесадиган станоклар ва асбоблар.

ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ

(Жиззах шаҳри, микрорайон, 2-уй)

Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши; қишлоқ хўжалик қурилиши; бинокорлик буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш; иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция; сув таъминоти ва канализация.

Кечки ўқишга: саноат ва граждан қурилиши; бинокорлик буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш; иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция; сув таъминоти ва канализация.

Сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши; қишлоқ хўжалик қурилиши.

НАВОИЙ ФИЛИАЛИ

(Навоий шаҳри, Южный переулоги, 27-уй)

Кундузги ўқишга: химия ишлаб чиқариши машиналари ва аппаратлари; ноорганик моддалар технологияси; тўқима материалларнинг химиявий технологияси.

Кечки ўқишга: рангли металлар металлургияси; машинасозлик технологияси, металл кесадиган станоклар ва асбоблар; автомобиллар ва тракторлар; ноорганик моддалар технологияси; тўқима материалларнинг химиявий технологияси; саноат ва граждан қурилиши; бинокорлик буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш.

МУБОРАК ФИЛИАЛИ

(Муборак шаҳри, Г. Димитров номли микрорайон)

Кундузги ўқишга: саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; саноат ва граждан қурилиши.

Кечки ўқишга: нефть ва газ конлари ишлари технологияси ва уни комплекс механизациялаш; саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; асосий органик ва нефть-химия синтези технологияси; саноат ва граждан қурилиши.

ОЛМАЛИҚ КЕЧКИ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

(Олмалиқ шаҳри, Ленин кўчаси, 56-уй)

Фойдали қазилмаларни бойитиш; рангли металлар металлургияси; фойдали қазилма конларини очиқ ишлаш технологияси ва уни комплекс механизациялаш; кон машиналари ва комплекслари; кон ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; ноорганик моддалар технологияси; саноат ва граждан қурилиши.

БЕКОБОД КЕЧКИ ФАКУЛЬТЕТИ

(Бекобод шаҳри, Педагогика кўчаси, 5-уй)

Саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; машинасозлик технологияси, металл кесадиган станоклар ва асбоблар; саноат ва граждан қурилиши; металларга босим йўли билан ишлов бериш машиналари ва технологияси.

АНГРЕН КЕЧКИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Ангрен шаҳри, Чекрезов кўчаси, 17-уй)

Фойдали қазилма конларини ер остида ишлаш технологияси ва уни комплекс механизациялаш; саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; саноат қурилмаларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; резина технологияси; керамика ва ўтга чидамли материалларнинг химиявий технологияси; саноат ва граждан қурилиши.

ЗАРАФШОН КЕЧКИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Бухоро области, Зарафшон шаҳри)

Саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; саноат қурилмаларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; саноат ва граждан қурилиши.

УЧҚУДУҚ БЎЛИМИ

Фойдали қазилма конларини очиқ ишлаш технологияси ва уни комплекс механизациялаш; кон машиналари ва комплекслари; саноат ва граждан қурилиши.

ЧИРЧИҚ КЕЧКИ ФАКУЛЬТЕТИ

(Чирчиқ шаҳри, Ломоносов кўчаси, 7-уй)

Металларга босим йўли билан ишлов бериш машиналари ва технологияси; машинасозлик технологияси, металл кесадиган станоклар ва асбоблар; химия ишлаб чиқариши машиналари ва аппаратлари; электр машиналари; саноат қурилмаларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; химиявий технология жараёнларини автоматлаштириш ва комплекс механизациялаш; ноорганик моддалар технологияси; саноат ва граждан қурилиши; асосий органик ва нефть-химия синтези технологияси.

ТОШКЕНТ СИРТҚИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси, 3-уй)

Фойдали қазилма конларини геологик суратга олиш, излаш ва разведка қилиш; нефть ва газ конлари геологияси ва разведка қилиш; гидрогеология ва инженерлик геологияси; иссиқлик электр станциялари; машинасозлик технологияси; металл кесадиган станоклар ва асбоблар; қуюв ишлаб чиқариши машиналари ва технологияси; қишлоқ хўжалик машиналари; совутиш ва компрессор машиналари ва қурилмалари; керамика ва ўтга чидамли материалларнинг химиявий технологияси; моллар технологияси; саноат ва граждан қурилиши.

СССР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ:

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун 35 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун (кечки ва сиртқи) ёши чекланмаган ҳолда, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ва конкурсда қобилиятли деб топилган ўрта маълумотли СССР граждан лари ҳамда СССР территориясида яшаб турувчи чет давлатларнинг гражданлари олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Олий ўқув юртига кириш ҳақидаги ректор номига ёзилган ариза ягона формада топширилади.

Сиртқи ўқишга кирувчилар аризаларини турар жойларига яқин бўлган олий ўқув юртларида ўзларини қизиқтирган мутахассислик ёки умумий техника факультетларига топширадилар.

Аризага ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), олий ўқув юртига кириш учун характеристика (корхона ёки муассаса маъмурияти томонидан тасдиқланган), меҳнат дафтарчасидан ёки колхоз меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлайдиганлар учун), 086/У формадаги медицина справкаси, бош кийимсиз тушилган 3 х 4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат қўшиб топшрилади.

Кирувчилар сўнгги иш жойидан партия, комсомол, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари, корхона раҳбарлари, муассаса, ташкилот, колхоз правлениелари томонидан ёзиб берилган, иш стажига эга бўлмаганлар (умумтаълим мактабларини битирганлар) мактаб раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари томонидан ёзиб берилган характеристикани топширадилар.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар учун характеристика топшириш шарт эмас.

Олий ўқув юртига кирувчилар паспорт, ҳарбий билет (запасдаги ҳарбий хизматчилар) ёки ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (чақирилиш ёшидаги шахслар)ни шахсан кўрсатадилар.

Ўрта махсус ўқув юртларини ва ўрта ҳунар-техника билим юртларини кундузги таълим формасида битирганлар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун ўқишин тугатганларидан сўнг камида 3 ва 2 йил иш стажига эга бўлган тақдирдагина қабул қилинадилар. Иш стажи ўқув юртини аъло баҳолар билан битирганлардан талаб қилинмайди.

Фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, КПСС тарихи ихтисослари бўйича ўқишга меҳнат ва ҳаёт тажрибасига эга бўлиб, коллектив ҳаётида ўзини муносиб қилиб кўрсатган КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар ҳамда ижтимоий-сиёсий фанларни ўрганиш истагида бўлган комсомол активистлари қабул қилинади.

Журналистика, халқаро журналистика, ҳуқуқшунослик, адабий иш ихтисослари бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлиб ижтимоий-сиёсий ишларда ўз қобилиятини кўрсатганлар, журналистика, халқаро журналистика, адабий иш ихтисосларига эса адабий фаолиятда ўз қобилиятини кўрсатиб ҳамда ижодий конкурсдан ўтганлар қабул қилинади.

Инженерлик педагогика ихтисоси бўйича ўрта ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус билим юртларини битирганлардан ва ишлаб ишчилар, қишлоқ ёшлари ва Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар ҳамда педагогик фаолиятга қобилияти бўлганлар ишлаб чиқариш ихтисоси бўйича қабул қилинадилар.

Ўрта махсус ўқув юртини битирганлар ўқишни тугатгандан сўнгги ҳар бир йил учун камида 6 ойдан амалий иш стажига эга бўлишлари шарт. Олий ўқув юртларига кирувчилардан аризалар қабул қилиш, кириш имтиҳонларини ўтказиш қуйидаги муддатларда белгиланади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА ЎҚИШ УЧУН:

санъат мутахассислигидан бошқа ҳамма мутахассисликлар учун аризалар 1 июлдан 1 августгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1-20 август кунлари ўтказилади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ЎҚИШ УЧУН:

мавсумий иш билан боғлиқ бўлган мутахассисликлардан, шунингдек педагогика мутахассислигидан бошқа ҳамма мутахассисликлар учун:

кечки ўқишга аризалар 20 июндан 1 сентябргача, кириш имтиҳонлари 11 августдан 11 сентябргача қабул қилинади,

Сиртқи ўқишга аризалар 1 сентябргача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 16 сентябргача ўтказилади.

Мавсумий ишлар билан боғлиқ бўлган мутахассисликлар бўйича (геодезия, геология-қидирув мутахассисликларига кечки ва сиртқи бўлимларда) ўқиш учун аризалар 1 октябрдан 15 январгача, кириш имтиҳонлари 1 декабрдан 1 февралгача ўтказилади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги мутахассислиги бўйича сиртқи бўлимда ўқиш учун аризалар 1 ноябрдан 16 январгача, кириш имтиҳонлари 16 январдан 16 мартгача ўтказилади.

Педагогика мутахассислиги бўйича кечки ва сиртқи бўлимларда ўқиш учун аризалар 1 июлгача, кириш имтиҳонлари 1 июлдан 21 июлгача қабул қилинади.

Эслатма: имтиҳонлар бир нечта потокларда ўтказилиши керак.

Олий ўқув юртларига кирувчилар рус тили (ёки ўқиш қайси тилда олиб борилса, ўша тилдан) ва адабиётдан (ёзма) ўзлари танлаган мутахассисликларига мувофиқ қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар:

Инженер-техник ва иқтисодий инженерлик, физика, механика-математика мутахассисликлари учун — математика (ёзма ва оғзаки), физика;

архитектура мутахассислиги учун — расм, чизмачилик, математика, физика;

химия, химиявий технология, металлургия, технология ва тегишли саноат тармоқлари бўйича иқтисодий инженерлик мутахассисликлари учун— химия, математика, физика;

биология (университетлардан ташқари), қишлоқ хўжалиги «Э» (инженер-техниклардан ташқари) мутахассисликлари учун — биология, химия, физика;

университетларга биология мутахассислиги бўйича кирувчилар — физика ўрнига математикадан имтиҳон топширадилар;

жисмоний тарбия мутахассислиги учун танлаган мутахассислигидан, биология, химия;

психология мутахассислиги бўйича кирувчилар —рус тили ва адабиёти (оғзаки) ўрнига математикадан, СССР тарихи, биология;

филология, чет тиллари, шунингдек, рус тили ва адабиёти, она тили ва СССР халқлари адабиёти, журналистика, тарих, ҳуқуқшунослик мутахассисликлари бўйича кирувчилар — рус тили (ёзма ёки ўқиш қайси тилда олиб борилса, ўша тилдан) ва адабиётдан (оғзаки), СССР тарихи, чет тилларининг биридан (оғзаки);

журналистика мутахассислиги бўйича кундузги ўқишга кирувчилар учун олдин ижодий конкурс ўтказилади;

КПСС тарихи, фалсафа мутахассисликларига кирувчилар — СССР тарихи, жамиятшунослик ва чет тилларининг биридан;

иқтисод, география мутахассисликлари бўйича кирувчилар— математика, СССР тарихи, география;

сиёсий иқтисод мутахассислиги бўйича кирувчилар география ўрнига жамиятшунослик бўйича имтиҳон топширадилар;

иқтисодий кибернетика мутахассислиги бўйича кирувчилар география ўрнига математикадан иккинчи имтиҳонни топширадилар;

товаршунослик мутахассислиги бўйича кирувчилар — математика, география, химия;

рус тили ва адабиёти, она тили ва СССР халқлари адабиёти мутахассисликлари бўйича кирувчилар — рус тили ва адабиётидан (оғзаки), она тили ва адабиётдан, СССР тарихидан кириш имтиҳонлари топширадилар.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан ёки ўрта махсус ўқув юрти ва ҳунар-техника билим юртини «имтиёзли» диплом билан битирганлар олий ўқув юртида танлаган мутахассисликлари бўйича белгиланган фандан фақат битта кириш имтиҳони топширадилар.

Улар имтиҳонни «беш» баҳога топширсалар, бошқа имтиҳонлардан озод қилинадилар, агар «тўрт» ёки «уч» баҳо олсалар, қолган имтиҳонларнинг ҳаммасини топширадилар.

Кириш имтиҳонлари СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги томонидан тасдиқланган программа бўйича умумий таълим мактабларининг ўқув программаси асосида қабул қилинади.

Олий ўқув юртларига кириш учун имтиҳонларга қўйилганларга белгиланган қондага биноан иш жойидан меҳнат ҳақи сақланмаган ҳолда ўн беш календарь куни миқдорида қўшимча отпуска берилади (олий ўқув юртига бориб келиш учун кетган вақт ҳисобга олинмайди).

Жадвалда белгиланган имтиҳонга узрли сабабсиз муддатида етиб келмаган ишилар кейинги имтиҳонларга киритилмайдилар.

Дастлабки имтиҳонлардан қониқарсиз баҳо олганлар кейинги имтиҳонларга қўйилмайди.

Баҳони ошириш мақсадида қайтадан имтиҳон топшириш рухсат берилмайди.

Р. — 05849 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. ИНДЕКС 64563. А. — 125. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12